



## SCIENTIFIC-THEORETICAL ISSUES OF THE STUDY OF MARRIAGE-DIVORCE PROCESSES

*Muazzam Sh. Sabirova*

*PhD student*

*National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek*

*Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [mua1993.10@mail.ru](mailto:mua1993.10@mail.ru)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Marriage, divorce, starting a young family, geodemography, family.

**Abstract:** This article presents and analyzes the scientific-theoretical issues of the study of marriage-divorce processes.

**Received:** 09.12.22

**Accepted:** 11.12.22

**Published:** 13.12.22

## НИКОХ – АЖРАЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

*Муаззам Ш. Сабирова*

*Таянч докторант*

*Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [mua1993.10@mail.ru](mailto:mua1993.10@mail.ru)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Никох, ажралиш, ёш оила қуриш, геодемография, оила.

**Аннотация:** Мазкур мақолада никоҳ-ажралиш жараёнларини ўрганишнинг илмий-назарий масалалари ҳақида маълумотлар берилган ва таҳлил қилинган.

## НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ БРАЧНО-РАЗВОДНЫХ ПРОЦЕССОВ

*Муаззам Ш. Сабирова*

*Аспирант*

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [mua1993.10@mail.ru](mailto:mua1993.10@mail.ru)*

---

**О СТАТЬЕ**

---

**Ключевые слова:** Брак, развод, создание молодой семьи, геодемография, семья.

**Аннотация:** В данной статье представлены и проанализированы научно-теоретические вопросы изучения брачно-разводных процессов.

---

**КИРИШ**

Давлатнинг геодемографик ривожланишида никоҳ ва ажралиш жараёнларининг ўзига хос ўрни мавжуд. Шу боисдан, оила, никоҳ ва ажралиш жараёнларини ўрганиш, тадқиқ этиш ҳозирги кунда долзарб масалалардандир. Бу жараёнларни ўрганиш, унга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш, геодемографик хусусиятларини очиб бериш ва таҳлил қилиш муҳимдир. Шунинг учун, никоҳ ва ажралиш жараёнларини ўрганиш, бевосита аҳолининг ёш-жинсий таркибига, аҳоли такрор барпо бўлиш жараёни яъни туғилишга ва аҳоли сонига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Аҳолининг кўпайиб бориши ўз-ўзидан демографик жараёнларни тадқиқ этишга қаратилган ишлар кўламини янада кенгайтириш керак эканлигини билдиради. Жаҳоннинг ҳар қайси бурчагига бормайлик, оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида намоён бўлади. Оила муҳим компонент бўлиб, у инсон ва жамият ижтимоий капитални ривожланишини ўз - ўзидан белгилаб беради. Буларнинг исботи сифатида Оилаларнинг Еттинчи Бутунжаҳон конгрессида (Сидней, 2013 йил, май) “оила соғлом иқтисодиётнинг шаклланиши мамлакатни равнақ топиши”[9] сифатида кўриб чиқилган.

**АСОСИЙ ҚИСМ**

Никоҳ инсоният тарихи давомида кишиларнинг кўпайиш жараёнининг ажралмас хусусияти бўлиб келган. Демографик жараёнларни ўрганиш ҳар бир олим томонидан ўзига хос йўналишга эга бўлган. Ўрганилган манбаларга кўра, МДХ малакатларида никоҳ ва ажралиш жараёнлари уруш даврига қадар тўлиқ ўрганилмаган. Биринчи манба бўлиб, А.П.Хоменко томонидан “Оила қайта қуриш жараёнида”[2,С.5] номли китобида 1923 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати орқали, Украинанинг шаҳар аҳолисини жуда тўлиқ таҳлил қилган. Унда шаҳар аҳолисининг никоҳ жараёнлари, никоҳга кириш ёши ва никоҳнинг бекор этилиши ҳақида маълумот берилган. Никоҳ жараёнининг шаҳар аҳолисида қандай ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини ўрганган.

Оила ва никоҳ масалаларини тўлиқ ўрганган олимлардан яна бири, бу А.Г. Харчев томонидан оила ва никоҳ муносабатларининг бошқа фанлар доирасида ўрганилиши “Брак и семья” китобида бериб ўтилган. У этнография никоҳ ва оилавий муносабатларни халқлар ҳаётининг соҳаларидан бири, деб билади. Халқларнинг урф-одати, миллий-этник таркиби никоҳга таъсир кўрсатишини аниқлаб берган. Миллий этник таркиби турлича бўлган аҳолининг никоҳга бўлган муносабати ҳам турлича бўлишини ўрганган. Бундан ташқари,

“Брак и развод” номли монографияси орқали, бу жараёнларни кенг ўрганган ва таҳлил қилган. Унинг ўрганишларига кўра, никоҳ ва оилага таъсир кўрсатувчи омилларни ретроспектив ва переспектив турларга бўлган.

Оила ва никоҳнинг ривожланишида бевосита жамиятнинг иқтисодий тузилиши ва унга таъсир этувчи омиллардан бири, бу ишлаб чиқариш кучлари эканлигини айтган. Иқтисодий ва ижтимоий географияда ишлаб чиқариш кучларини географик хусусиятларини, жойлаштириш масалалари тўлиқ ўрганилади. Муаллиф никоҳ ва ажрим ҳолатлари, нафақат жамият мустаҳкамлигига, балки, “моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули билан белгиланадиган ҳаётнинг иқтисодий шароитлари ва уларга боғлиқ бўлган саноатлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, урбанизациянинг кучайиши, аёлларни тобора ижтимоий ҳаётга жалб этиш” каби масалалар билан боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаб ўтган [3,С.9]. Юқорида берилган фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, демографик жараёнлардан ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожда бевосита никоҳ жараёнлари ҳам иштирок этади.

Никоҳга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий омилларни ўзаро алоқадорлик масалаларини А.Г.Харчев, Д.Ханжал, Г.Беккер, Хоффман ва Дункан, Оппенхеймер каби олимлар ўрганган. Никоҳ ва ажрашиш жараёнларини иқтисодий нуқтаи-назардан биринчи бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида “Оила иқтисодиёти” назариясининг асосчиси ҳисобланган Г.Беккер оилавий ҳаётнинг турли жиҳатларини иқтисодий ёндошув доирасида талқин қилган[5]. Аёлларнинг даромади ва иш билан бандлигинининг ажрашишга таъсирини кенг ўрганган иқтисодчилардан Хоффман ва Дункан эркак киши даромади юқорироқ бўлган оилаларда ажрашиш хавфи камайишини [6], Оппенхеймер эса аёллар мустақиллиги ортган сари ажрашиш хавфи ортишини аниқлашган [6]. Ж. Ҳажнал эса 19-аср охирида никоҳ ва ажралишларнинг демографик хусусиятларига кўра, Европада никоҳнинг икки турини “осиёча” ва “европача” турларига ажратган. Мана шу никоҳнинг икки ўзига хос тури тарқалган ҳудудларни аниқлаган ва унга кўра, геосиёсий зоналар сифатида Шарқий ва Ғарбий Европага ажратган[7]. Никоҳнинг бу икки тури, аҳолининг никоҳга кириш ёши, никоҳ қурганлар сони билан тавсифланади. Никоҳ қуриш ёши бевосита яшаш турмуш тарзидан келиб чиқиб эрта ёки каттароқ ёшда амалга оширилади.

Никоҳ ёшининг кўтарилиб бориши, оилада фарзандлар сонини режалаштириш, оила мустаҳкамлигини мустаҳкамловчи никоҳга бўлган қарашларнинг ўзгариб кетганлиги ҳам бу маълумотларнинг далилидир. Никоҳнинг кўп ёки камлиги бевосита туғилишга ҳам таъсир кўрсатиши бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Никоҳнинг қанчалик мустаҳкам бўлиши оила мустаҳкамлигини таъминлайди, соғлом оилавий муҳитнинг шаклланиши жамиятда ҳар тарафлама етук фарзандларни тарбия топишига замин яратади. Никоҳ ва оила

мустаҳкамлигини таъминлаш уни ҳар томонлама муҳофазага олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги оммавий глобаллашган даврда никоҳ ва ажралиш жараёнлари жамиятдаги аксарият муаммоларнинг асоси бўлиб қолмоқда. Шу боисдан, Ўзбекистон сингари, урф-одат, қадриятлар қадрланадиган давлатларда никоҳ-ажралиш жараёнларига жиддий эътибор қаратиш, ушбу жараёнларга таъсир этувчи ҳар қандай омилларни ҳудудлар миқёсида, илмий-амалий тадқиқ этиш ва ўрганиш, тегишли чоралар кўриш бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Волков А.Г. Семья-объект демографии -М.,1986.С.5.
2. Чуйко В.Л. Брак и развод. –М., Статистика 1975. С 9.
3. Becker, G.S.(1973). A Theory of Marriage: Part I. Journal of Political Economy, University of Chicago Press, vol.81(4), pp. 813-46).
4. Oppenheimer, V.(1997. Women`s Employmnt and the Gain to Marriage: The Specialization and Trading Model,” Annual Review of Sociology,23, pp.431-453.
5. См. Hajnal J.– “European marriage patterns in perspective” in: Population in History. Essays in Historical Demography, edited by D.V.Glass and D.E.C.Eversley. London, 1965 Edvard Arnold, p.101-143; и Sardon J.-P. – Mariage et divorces en Europe de l’Est, Population, n 3, p.547-598e.
6. Дж.Хаджнал Европейский тип брачности в ретроспективе//Брачность, рождаемость, семья за три века. М., 1997. С 75.
7. Мамадалиева Х.Х Ўзбекистонда ола ривожланишининг ижтимоий-демографик хусусиятлари .Иқт.фан.док.дисс.Т.:2019.
8. Тожиева З. Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши (1989-2009 йй.). Илмий монография. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010.
9. Elektron resurs//<http://rusk.ru/newsdata>.